
Меҳнат фахрийлариға вилоят ҳокимининг янги йил табриклари етказилди

Доимий эзгу анъанага кўра Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоровнинг Янги йил муносабати билан меҳнат фахрийлариға йўллаган байрам табриклари бу йил ҳам Ўзбекистон туманидаги ўз эгалариға топширилди.

Туман сектор раҳбарлари ва “Нуроний” жамғармаси вакиллари байрам арафасида ана шу нуронийларнинг ҳолидан хабар олиб, вилоят раҳбарининг байрам табрикларини етказди.

Туманнинг турли соҳа тармоқларида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатиб, айни кунларда кексалик гаштини сураётган пиру-бадавлатлар бундай эътибордан мамнун бўлиб, дилдан суҳбатларда юрга тинчлик ва ободлик, хонадонларга қут-барака тилаб дуога қўл очдилар.

2024-12-28 17:22:21